

**Судланувчига қилмишига номувофиқ енгил жазо тайинланганлиги суд қарорининг бекор қилинишига асос бўлди.**

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман судининг 2007 йил 18 январдаги ҳукмига кўра, А. Жиноят кодексининг 210-моддаси 2-қисми «в» банди билан Жиноят кодексининг 45-моддасига асосан 3 йилга ташкилий бошқарув ва маъмурий-хўжалик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган ҳамда унга нисбатан 2006 йил 30 ноябрдаги амнистия акти татбиқ этилиб, тайинланган жазонинг ўталмаган қисми учдан бирига қисқартирилган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2007 йил 30 августдаги ажрими билан суднинг ҳукми ўзгартирилиб, А.га тайинланган жазо Жиноят кодексининг 72-моддаси қўлланилган ҳолда шартлига ўзгартирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, А. аудиторлик ташкилоти филиалининг директори лавозимида ишлаб келган даврда филиал аудитори М. томонидан МЧЖда аудиторлик текширилиши ўтказилаётганлигидан фойдаланиб, ушбу жамиятда ўтказилаётган аудиторлик текшириши бўйича ижобий хулоса бериш эвазига, жамият директори И.дан 2006 йил 18 октябрь куни таъмагирлик йўли билан 200 АҚШ доллари миқдорида пора олганликда айбдор деб топилган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «**Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида**»ги қарорининг 3-бандида жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий ҳавфлилик даражасига, айбдорнинг

шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши лозимлиги қайд қилинган.

Бироқ жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг апелляция инстанцияси Пленум қарорининг ушбу талабларига риоя қилмаган. А. томонидан мансаб ваколати суиистеъмол қилинган ҳолда бошқарув тартибига қарши жиноят содир этилганлигига, бу жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига, оғир жиноятлар туркумига киришига эътибор қилмасдан, унга тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси етарли асосларсиз шартлига ўзгартирилган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2008 йил 24 июлдаги ажрими билан А.га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2007 йил 30 августдаги ажрими бекор қилиниб, иш янгидан апелляция инстанция судида кўриш учун юборилди.

***Назорат иши № ЖСХ-196-08***

